

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 45-ҳадис

45 - وَعَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَسِّرُوا وَلَا تُعَسِّرُوا وَبَشِّرُوا وَلَا تُنَقِّرُوا». مُتَّقِقٌ عَلَيْهِ.

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Осонлаштиинглар, қийинлаштирманглар, хушхабар беринглар, бездирманглар»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ.

**Шарҳ:** Хушхабар бериш, яхши хабар билан кўнгилни кўтариб, хурсанд қилиш иймондандир. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларидан мутасадди бўлган ишларда енгиллик қилишни ва одамларга яхши сўзлар билан хушхабар беришни талаб қиласардилар. Одамларга буйруқ беришса, енгилини буюришни таълим берардилар. Расулуллоҳ с.а.в. ўзларига икки ишдан бирини танлаш ихтиёри берилса, агар гуноҳ бўлмаган, енгилини танлардилар.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Расулуллоҳ с.а.в. хушхабар бериб, инсонларни хурсанд қилишга буюрадилар.
2. Расулуллоҳ с.а.в. қийинлаштирмасликка ва ишларни оғирлаштирмасликка буюрадилар.
3. Расулуллоҳ с.а.в.нинг одатлари- ишларнинг ўртачасини танлардилар.
4. Одамларга енгиллик яратиш орқали уларнинг қалбларини дўст-улфат қилинади.



NUBUVVAT MARVARIDLARI